

ИНСОН КАПИТАЛИ ТАРАҚҚИЁТИДА ТАЪЛИМ, САЛОМАТЛИК ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Мирзохид Латифович Шарипов

Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
sharipovmirzoxid@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада инсон капиталининг тараққиётида муҳим аҳамият касб этадиган таълим, инсоннинг соғлиги, гендер тенглик масалалари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, инсон капиталини ривожлантиришда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳужжатлар, бу масалаларнинг Ўзбекистон қонунчилигидаги ҳолати қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Инсон капиталли, малака, кўникма, тажриба, инсон ресурслари, инсон омили, саломатлик, жамият, тараққиёт, таълим, интеллект.

ABSTRACT

This article provides a comparative analysis of the issues of education, human health, gender equality, their specifics, documents adopted by the UN and other international organizations in the field of human capital development, the role of these issues in the legislation of Uzbekistan, which play an important role in the development of human capital.

Keywords: Human capital, skills, abilities, experience, human resources, human factor, health, society, development, education, intelligence.

КИРИШ

Инсон капиталли фан ва техника тараққий этган замонавий дунёда энг қимматга айланган ресурс ҳисобланади. Инсон капиталли - кишиларнинг ҳаёти давомида тўплаган билимлари, соғлиғи, малака ва кўникмалари кабиларнинг мажмуи бўлиб, бу уларга жамиятнинг фойдали аъзолари сифатида ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришга имкон яратади. Жамиятда яратилган сифатли таълим олиш имкони, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар, янги иш ўринларини яратиш ва малакаларини ошириш орқали одамларга сармоя киритиш инсон капиталли тараққиётига катта ҳисса қўшади ва шунингдек камбағаллик ва ўта қашшоқликка барҳам бериш, ижтимоий жиҳатдан интеграциялашган жамиятнинг

шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Иқтисодий ўсиш ва ривожланиш ҳам инсон капиталига, ҳам моддий бойликларга, шунингдек самарадорликка таъсир қилувчи омилларга боғлиқ. Ушбу соҳаларга киритилган сармоялар бир-бирини тўлдиради ва мустақамлайди. Инсон капиталининг тараққиёти тўғри ташкиллаштирилган инфратузилмалар, ўқув-лабораториялар, асбоб-ускуналар, барқарор ва яхши бошқариладиган иқтисодиёт каби моддий бойликларнинг мавжудлигига боғлиқ. Жамиятда ўз касбини чуқур эгаллаган жисмонан соғлом ва билимли одамлар кўпроқ пул ишлашлари, шунингдек, иқтисодиётга кўпроқ инвестиция киритишлари мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Дастлаб, инсон капитали деганда фақат инсоннинг меҳнат қобилиятини оширадиган инвестициялар йиғиндиси - таълим ва касбий маҳорат тушуниланган. Инсон капитали кенг маънода иқтисодий ривожланишнинг интенсив ишлаб чиқариш омили, жамият ва оила ривож, билимлар, интеллектуал ва бошқарувчи меҳнат воситалари, аҳоли саломатлиги ва яшаш муҳити, замонавий малакали кадрларнинг юксак салоҳиятидир [3. 19].

Ҳозирги пайтда инсон капитали ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг назарий масалалари С.А.Грачев, М.А.Гундорова, В.А.Мошнов, В.В.Адамчук, Г.Борягин, В.А.Галкина, Б.М.Генкин, М.М.Хайкин, Г.С.Беккер, И.В.Грузков, А.В.Корицкий каби хорижий тадқиқотчи-олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳам Д.Шоумаров, М.Қурононов, Қ.Х.Абдурахмонов, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов, М.Саидов, И.А.Бакиева, М.Қ.Пардаев, Б.А.Абдукаримов, К.Саидов, М.Мухаммедовлар томонидан илмий изланишлар олиб борилиб, инсон капитали соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу мақолада инсон капиталининг мазмун-моҳияти тадқиқ этилган бўлиб, анализ ва синтез, умумлаштириш, қиёсий таҳлил методларидан унумли фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда таълим инсон ва жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим омилига айланган. Таълим муассасалари маданий меросни авлоддан авлодга узатиш, касбий тайёргарликнинг асосий шаклига айланган. Таълим шахс томонидан билимларни эгаллашига хизмат қилади, унга ижтимоий меъёрларни ўзлаштиришга ёрдам беради, иқтисодий фаол ҳаётга киришида дастак бўлади.

Таълим инсонни ривожлантиришнинг энг муҳим омили сифатида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва гуманитар муаммолар бутун мажмуасини ҳал этишга катта таъсир кўрсатиши исботланган. Улар қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ҳар бир мамлакатда ҳозирги давр учун муносиб бўлган аҳоли турмуш даражаси ва турмуш сифатини таъминлаш;
- иш билан самарали бандликни таъминлаш;
- барқарор ривожланишни таъминлаш;
- ижтимоий тенгсизлик даражасини пасайтириш;
- фуқаролик жамияти таркибини мустаҳкамлаш;
- инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни самарали амалга ошириш;
- шахсинг имкониятларини тўла ва ҳар тарафлама амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратиш.

Халқаро ҳамжамият бугунги дунёда таълимнинг аҳамиятига муносиб баҳо берган ҳолда инсонни ривожлантиришда таълимнинг муносиб ролини таъминлашга қаратилган қатор стратегик дастурлар ишлаб чиқди ва уларни амалга ошириш чораларини кўрмоқда. Улардан бири – “Таълим – ҳамма учун” концепциясидир. Концепциянинг асосий принциплари 1990йилда Жомтъен (Таиланд) ташкил этилган конференцияда баён этилди. Ушбу анжуманда “Таълим – ҳамма учун” умумжаҳон декларацияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциядан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар эълон қилинди: “*Ҳар бир бола, ёш ва катта ёшдаги шахс ўзининг туб таълим эҳтиёжларини, ушбу тушунчанинг энг юксак ва мукамал маъносиди, қондирадиган таълим олиши ҳуқуқига эгадир*”. “Таълим – ҳамма учун” декларациясида таълим тизими ҳар бир инсон истеъдоди, салоҳиятини намоён қилишга кўмаклашиши, шахс ўз ҳаётини яхшилаши ва жамиятни ўзгартириш учун салоҳиятни ривожлантиришга рағбатлантириши зарур деб баён қилинди.

МУҲОКАМА

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал



мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Ўзбекистонда таълимга жамиятни ислоҳ этиш ва янгилаш сиёсатини амалга оширишнинг ҳал қилувчи бўғини сифатида алоҳида эътибор қаратилади. Таълим мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, мамлакатни жаҳон ҳамжамятига интеграциялашнинг мажбурий шarti деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасига мувофиқ: *“Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эгалар. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”*.

Бугунги кун таълим соҳасидаги талаблардан келиб чиққан ҳолда 2020 йил 23 сентябрда “Таълим тўғрисида”ги янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу қонунда таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор соҳа деб эълон қилинган. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборатдир:

- таълим устуворлигининг тан олиниши;
- таълим олиш шаклини танлаш эркинлиги;
- таълим соҳасида камситишларга йўл қўйилмаслиги;
- таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланиши;
- таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний кадриятларнинг сингдирилганлиги;
- таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусияти;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- ўн бир йиллик таълимнинг ҳамда олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бир йил давомида умумий ўрта таълимга тайёрлашнинг мажбурийлиги;
- давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- ўқув дастурларини танлашга доир ёндашувнинг ягоналиги ва табақалаштирилганлиги;
- инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олиши;
- жамиятда педагогларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг кафолатланганлиги;

- таълим тизимининг дунёвий хусусиятга эгаллиги;
- билимлилик, қобилиятлилик ва истеъдоднинг рағбатлантирилиши;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувининг уйғунлиги;
- таълим фаолияти соҳасидаги очиқлик ва шаффофлик. [1. 2].

Инсон капитали таркибига инсон саломатлигининг ҳолати ҳам киритилади. Саломатлик – умуман организмнинг ҳамда унинг барча органларининг ўз функцияларини бажаришга тўла қодир бўлган ҳолати, касалликнинг мавжуд эмаслигидир. Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш (соғлиқни сақлаш) – давлат функцияларидан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида инсоният саломатлигини муҳофаза қилиш муаммолари билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти шуғулланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Устави саломатликни “Инсон организмнинг органлари ва тизимлари уни ўраб турган ишлаб чиқариш ва ижтимоий муҳит билан мутаносиб бўлганида тўла жисмоний, маънавий, ижтимоий соғлигининг ҳолати” сифатида талқин этади. Ушбу тушунчада саломатликнинг учта - жисмоний, психик ва ижтимоий таркибий хусусиятлари қамраб олинган.

Жисмоний саломатлик – организм барча органлари ва тизимлари меъёрида амал этиб турган табиий ҳолатдир.

Психик саломатлик дейилганда фикрлаш даражаси ва сифати, диққат ва хотиранинг ҳамда ироданинг ривожланганлиги, ҳиссий барқарорлик даражаси англанади.

Ижтимоий саломатлик инсон ижтимоий ҳаёти асосини ташкил этадиган ахлоқ принциплари асосида белгиланади, яъни бу инсоннинг муайян жамиятдаги ҳаёт фаолиятидир. Мазкур хислатлар, энг аввало, инсоннинг меҳнатга муносабати ахлоққа ва турмуш тарзига зид хулқ ва одатларга фаол қарши туриши назарда тутилади.

Тиббий-санитария статистикасида шахсий даражадаги саломатлик дейилганда инсонда касалликларнинг мавжуд эмаслиги, жамият даражасида эса – ўлим, касалланиш ва ногиронлик даражасининг пасайиши жараёни тушунилади. Бунда қуйидагилар фарқланади:

- шахсий саломатлик – алоҳида инсоннинг саломатлиги;
- гуруҳий саломатлик – ижтимоий ва этник гуруҳларнинг саломатлиги;
- минтақавий саломатлик – маъмурий ҳудудлар аҳолисининг саломатлиги;

- ижтимоий саломатлик – умуман жамият саломатлиги.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, саломатликнинг ҳолатига турмуш шароитлари ва турмуш тарзи, овқатланиш, ирсият, ташқи муҳит, табиий шароитлар ва соғлиқни сақлашнинг аҳволи таъсир кўрсатади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти нуқтаи назаридан одамларнинг саломатлиги – ижтимоий хусусиятдир, шунинг учун ижтимоий саломатликни баҳолаш учун куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади:

- ялпи ички маҳсулот ҳажмида соғлиқни сақлашга харажатлар улуши;
- биринчи тиббий-санитария ёрдамдан фойдаланиш имконияти;
- аҳолининг эмланиш даражаси;
- ҳомиладорларнинг малакали персонал томонидан текширилиши даражаси;
- болаларни овқатлантириш аҳволи;
- болалар ўлимининг даражаси;
- кутилаётган ўртача умр давомийлиги;
- аҳолининг гигиеник саводхонлиги.

Ўзбекистонда фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилишнинг давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш учун зарур чоралар кўрилмоқда. Мамлакатда соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонун, Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастури ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида “*Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга*”лиги қайд қилинган.

Инсон тараққиётининг гендер омиллари. Гендер (инглизча «gender», лотинча «genus» сўзларидан - «зот») – инсоннинг жамиятда ўзини тутишини ва бундай тутиш қандай қабул қилинишини белгилайдиган ижтимоий жинсдир. Гендер тенглиги – аёллар ва эркеклар, қизлар ва ўғил болалар учун тенг ҳуқуқ, масъулият, имконият, қадрият ва натижалардир. Гендер тенглиги фақат аёлларга тааллуқли масала бўлмасдан эркекларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам англатади. Чунки жамият ҳар икки жинсдан гендер нормалари ва стандартларига мувофиқ

ҳаракат қилишни талаб қилади. Тенглик аёллар ва эркаклар бир хил бўлиб қолишини билдирмайди, лекин уларнинг ҳуқуқлари, масъулияти ва тенглиги ўзлари қиз ёки ўғил бола бўлиб туғилганларига боғлиқдир. Гендер тенглиги аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам манфаатлари, эҳтиёжлари ва устуворликлари ҳисобга олинганлигини кўрсатади.

Аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлиги инсон ҳуқуқларининг энг асосийларидан бири ҳисобланиб, ижтимоий адолатни таъминлашнинг шартидир. Аини вақтда бу тенглик, ривожланиш ва тинчликка эришишнинг зарур ва асосий шарти ҳам ҳисобланади. Аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилик асосида шериклик муносабатларини ўрнатиш инсон манфаатларига йўналтирилган барқарор ривожланишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳамдир. Бевосита шунинг учун БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг 3-мақсади эркаклар ва аёллар тенглигини рағбатлантириш ҳамда аёллар ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутди. Афсуски, инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида турмушнинг барча соҳаларида аёллар ва эркаклар тенглиги тўла таъминланган бирорта мамлакат йўқ. Аммо тенгсизлик, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар ва энг камбағал оилаларда кўпроқ учрайди ҳамда бу биргина одамларнинг ўзлари учун эмас, балки умуман жамият учун ижтимоий, психологик ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенгсизлик таълим, иш вақти, иш ҳақи, умр кўриш давомийлиги, ҳокимиятда ва бошқарувда иштирок этиш каби кўринишларда намоён бўлади. Масалан:

- аёллар жаҳон аҳолисининг 50 % дан кўпроғини ташкил этади, лекин улар жаҳон мулкининг 1,0 % га эгалик қилади;
- аёллар жаҳонда бажарариладиган ишларнинг учтан икки қисмини қиладилар, аммо жаҳонда олинладиган фойданинг ўндан бир улушига эгалар;
- саводсиз ва ишсизларнинг кўпчилиги – 60% дан кўпроғи хотин-қизлардир;
- жаҳондаги ҳар уч аёлдан биттаси умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта зўравонликдан, кўпинча ўз эридан жабр кўрган;
- жаҳондаги барча парламентлар аъзоларининг фақат 20% аёллардир;
- хотин-қизлар меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси паст бўлган соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида иш билан бандларнинг кўпчилигини ташкил этадилар, эркаклар эса иш ҳақи юқори бўлган иқтисодиётнинг транспорт, алоқа, ахборот-

коммуникация технологиялари тармоқларида аксарият кўпчилиқдирлар.

Кўпинча аёллар иш билан барқарор банд бўлиш кафолатини бермайдиган ёки меҳнат шароитлари хавфли ва зарарли бўлган ишларни бажаришга мажбур бўладилар. Акс ҳолда улар ишсизлар сафини тўлдиришга мажбур бўладилар. Кўпгина хотин-қизлар меҳнат бозорида иш ҳақи паст ва нуфузсиз меҳнат фаолияти билан шуғулланишга мажбур бўладилар. Бошқа тоифа аёллар ўз оилалари даромадига ҳисса қўшиш мақсадида меҳнат миграциясини танлашдан бошқа чора топа олмайдилар. 1979 йилда БМТнинг Бош Ассамблеяси “Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенцияни қабул қилди. Ушбу Конвенция 1981 йилда кучга кирди ҳамда аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенгликнинг халқаро стандартларини мустаҳкамлаб қўйди. 1985 йилда Умумжаҳон конференциясида 2000 йилгача бўлган муддатда амалга оширилиши режаланган Аёллар аҳволини яхшилаш соҳасидаги Найроби истиқбол стратегияси қабул қилинди. 1995 йил 15 декабрда Пекинда бўлиб ўтган Аёллар аҳволига бағишланган умумжаҳон конференциясида Ҳаракат платформаси қабул қилинди. Ушбу платформа аёллар аҳволини яхшилаш соҳасида Найроби истиқбол стратегиясини амалга оширишни тезлаштиришга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила Кодекси, Меҳнат Кодекси, умуман 80 тадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ана шу мақсадга – хотин-қизларнинг барча соҳаларда эркаклар билан кенг ҳуқуқлигини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ролини оширишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида “*Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар*” деб кўрсатилган.

Умуман Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида юзтадан кўпроқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилига аёлларнинг сиёсий фаолиятда иштирок этишларини рағбатлантиришни кўзда тутилган ўзгартиришлар киритилди. Ушбу ўзгартиришларга мувофиқ сиёсий партиялар давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ваколатли органларга кўрсатаётган номзодлар умумий сонидан аёлларнинг улуши камида 30% бўлишини таъминлашлари керак. Мамлакат хотин-қизлар кўмитасининг раҳбари бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосар

ваколатига ҳам эга. Қарорлар қабул қилишда хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш мақсадида вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталарининг раислари ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари қилиб тайинланади. Улар маҳаллий даражада хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, салоҳиятини рўёбга чиқариш учун масъулдирлар.

ХУЛОСА

Инсон капитали даражасини бир нечта усулга асосланиб баҳолаш мумкин. Анъанага кўра, иқтисодчилар буни кўпроқ таълим олган одамларнинг даромади билан ҳисоблашади. Тадқиқотлар ҳар бир кўшимча таълим йили инсон даромадини ўртача 10 фоиз оширишини исботлади. Таълимга киритиладиган сармоялар ҳам жамиятда ижтимоий тенгсизликни камайтиради. Аксарият мамлакатларда нисбатан ўзига тўқ оилаларда туғилган фарзандлар болалиқданок кенг имкониятлардан фойдаланишни бошлайди ва у бутун умри давомида қатор афзалликларни, қулайликларни қўлга киритади. Аксинча, ночор оилалар фарзанди шундай имкониятлардан бебаҳра қолади.

2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “*Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари*” тамойилига асосланган «2022–2026 йилларга мўлжалланган “*Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида*»ги фармони қабул қилинди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси юртимизни кейинги 5 йилда ривожлантиришнинг 7 та устувор йўналиши доирасида “*Инсон қадри учун*” тамойили асосида 100 та мақсадга эришишга қаратилган ва 2022 йилда амалга оширилиши лозим бўлган 398 та чора-тадбирни ўз ичига олган [1:2].

Тараққиёт стратегиясининг тўртинчи устувор йўналиши “*Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш*” деб номланиб 34 та мақсадни қамраб олган. Бу йўналишда белгиланган мақсадлар бошқа йўналишларда белгиланган мақсадларга қараганда бир неча баробар кўп бўлиб, мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантиришга нақадар катта эътибор берилаётганидан далолат беради. Ушбу йўналишда ҳар бир фуқарога давлат томонидан бепул таълим олишнинг кафолатланиши, касб-ҳунарга ўқитиш имконияти, мактабгача таълимни янги сифат босқичига олиб чиқиш, ёшларнинг компьютер ва ИТ технологиялари соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун 100 мингдан ортиқ бепул тўғарақлар ташкил этиш, ўқитувчилар меҳнатини муносиб қадрлаш ва ойлик маошларини мунтазам ошириб бориш, Олий таълим

билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш, иқтидорли ёшларни хорижий олийгоҳларга ўқишга юбориш, пенсия таъминоти ва аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш каби мақсадлар белгиланиб амалиётга жорий этилмоқда.

Дунёга машҳур давлат арбоби, Сингапурнинг биринчи Бош вазири Ли Куан Ю “Сингапур мўъжизаси” моҳияти ҳақида гапириб, натижага “*тўғри сиёсат ва инсон капиталига сармоя тикишимизда*”, деб таъриф берган эди. Унинг фикрича, инсон капиталига йўналтирилган 1 доллар маблағ 10 йилдан сўнг 100 баробар, 20 йилдан сўнг 1000 баробар бўлиб қайтади [4:4].

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди”, деган эди. Бу мақсадни тизимли ривожлантириш бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, Ўзбекистон тарихида илк бор 2017 йили Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 38-мақсадида мактабгача таълимдаги қамров даражасини ҳозирги 67 фоиздан камида 80 фоизга етказиш, 39-мақсадида мактабгача таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш кўзда тутилган. Ана шу йўлда бажарилиши режалаштирилган чора-тадбирларга бир эътибор қаратадиган бўлсак, 2024-2025 ўқув йили якунига қадар 6 ёшли болаларни мактабгача тайёрлов тизими билан қамраб олиш даражасини 100 фоизга етказиш, 7 мингдан зиёд янги нодавлат мактабгача таълим ташкилотини очиш, 160 мингдан зиёд педагог кадрнинг малакасини ошириш мақсад қилинган.

Инсон капиталини ривожлантиришдаги асосий бўғинлардан бири оила ҳисобланади. Чунки инсон капиталининг барча таркибий қисмлари оила ўз фарзандига киритадиган инвестиция орқали шакллантирилади ва кўпайтирилади [6:3]. Ижтимоий капитал ва ресурслар манбалари вужудга келишида оиланинг ўрни беқиёс. Ўз навбатида, соғлом оила ва фарзандлар давлат учун инвестиция ҳисобланади. Оила фаровонлиги - моддий фаровонлик қаторида оила аъзолари ва фарзандлар саломатлиги, ижтимоий турмуш тарзи соғломлиги, тинчлиги билан белгиланади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Т., 23.09.2020.
2. Ўзбекистон Республикасининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” давлат дастури. Т., 28.01.2022.
3. С.А.Грачев, М.А.Гундорова, В.А.Мошнов. Инвестиции в человеческий капитал. Владимир., 2016.
4. И.Н.Шапкин. Человеческий капитал: теория, исторический опыт и перспективы развития. Москва., 2017.
5. Д.Шоумаров. Инсон капитали ўз-ўзидан юзага чиқмайди. uzlider.uz/news-of-party/3127., 04.10.2018.
6. М.Содиржонов. Инсон капитали ривожини шахсининг онги, билими, ахлоқ-одоби, дунёқарашига боғлиқ. “Янги Ўзбекистон” газетаси 10.02.2022.
7. М.Қурононов. Инсон капитали мактабда яратилади. Маърифат газетаси, 23.07.2018.
8. Я.И.Кузьмин, Л.Н.Овчарова, Л.И.Якобсон. Как увеличить человеческий капитал и его вклад в экономическое и социальное развитие. Москва. 2018.
9. Шарипов М.Л. (2020). “Ёшлар маънавиятини юксалтиришда Хусайн Воиз Кошифий ахлоқ фалсафасининг аҳамияти”. *Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириш*. № 1-1. 94-98.
10. Мирзохид Шарипов. (2020). “Тарихни ўзгартирган буюк соҳибқирон”. *Тамаддун нури*. № 2. 14-17.
11. Шарипов М.Л. (2020). Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий мероси, уларнинг илм-фан ҳамда жаҳон цивилизацияси тараққиётидаги роли ва аҳамияти. *"Science and Education" Scientific Journal*. Volume 1 Special Issue. 157-172.
12. Шарипов М.Л. (2020). Коррупцияни юзага келтирувчи омиллар ва унинг оқибатлари. *"Science and Education" Scientific Journal*. Volume 1 Issue 5. 263-270.
13. Hojiyev Rasulbek Boynazar o`g`li, Xolmo`minov Gofur Bobonazarovich & Sharipov Mirzohid Latipovich. (2020). “Raising a harmoniously developed generation is a priority of democratic reforms in Uzbekistan”. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*. Vol. 8 No 5, Part II. 1-3.
14. Шарипов М.Л. (2020). Коррупция ва у билан боғлиқ жиноятларнинг инсон ва жамият ҳаётига таҳдидлари.



- «Academic research in educational sciences». Volume 1. Issue 4. 50-58 – бетлар.
15. Мирзохид Латипович Шарипов, Нилуфар Махсудовна Кошанова (2021). Инсон капитали моҳияти, унинг давлат ва жамият тараққиётидаги аҳамияти. «Academic research in educational sciences». Volume 2. Issue 4. 1259-1268.
16. Нилуфар Махсудовна Кошанова, Мирзохид Латипович Шарипов. (2021). Bola tarbiyasida ota-onalar ma'suliyatini oshirish dolzarb vazifa. «Academic research in educational sciences». Volume 2. Issue 4. 1252-1258.
17. Мирзохид Латипович Шарипов. (2021). Интеллектуал инсон капиталининг моҳияти, манбалари ва хусусиятлари. «Academic research in educational sciences». Volume 2. Issue 6. 694-703.
18. Мирзохид Латипович Шарипов. (2021). Соғлиқ капитали категорияси, унинг турлари, манбалари ва аҳамияти. «Academic research in educational sciences». Volume 2. Issue 6. 710-719.

